



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 23 январь, № 16 (8911)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 январь куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси мудофаа вазири Андрей Белоусовни қабул қилди.



Учрашув аввалида Россия мудофаа идораси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломини ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини Россия Федерацияси Президентининг 2024 йил май ойида Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Қабул қилинган дастурий ва режа ҳужжатларига мувофиқ икки мамлакат мудофаа идоралари ҳамкорлигини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ 55 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев олий таълим ва илм-фан соҳасидаги устувор вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиз тараққиётининг таянчи сифатида бу йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Янги олийгоҳлар очилиб, қамров анча кенгайди. Таълим жараёнида сифат жиҳатдан яхшиланмоқда.

Ўтган йили бакалаврият йўналишлари мақбуллаштирилиб, 1 минг 200 дан ортиқ таълим дастурлари хорижий андозаларга мослаштирилди. Жумладан, битирувчиларга малака талаби тўлиқ янгилади, қайта тикланувчи энергия манбалари, аτροφ-муҳит муҳандислиги, биотизимлар муҳандислиги каби замонавий йўналишлар очилди.

Бу йил ҳам қатор муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, яна мингдан ортиқ таълим дастурлари "ТОП — 300" университет дастурлари асосида такомиллаштирилади. 45 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтказилади. Олийгоҳларда Регистратор офиси хизматлари билан талабалар тўлиқ қамраб олинади. Дуал таълимга яна 50 минг талаба жалб қилинади.

Олий таълимда илмий салоҳиятнинг 55 фоизга чиқариш, хорижда 5 минг нафар педагог малакасини ошириш режалаштирилган. Илғор муҳандислик мактабларини 25 тага етказиб, саноат корхоналари билан лойиҳалар қийматини 10 баробар ошириш мақсад қилинган.

Тақдимотда мутасаддилар шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Маълумки, олий таълимга қабул жараёнида "аввал тест, кейин танлов" тамойилига ўтилди. Давлат гранти талабаларнинг иқтисодига қараб ажратиладиган бўлди. Молиявий мустақиллик берилган 40 та олийгоҳда Регистратор офиси ташкил қилинди. Натижада деканат ва бўлимларда штатлар 20 фоизга қисқариб, 30 та хизмат тури рақамлашди.

Ушбу тажрибадан келиб чиқиб шундай офисларни бошқа олий ўқув юртлирида ҳам очиб, таълим ва илм-фан хизматларини қамраб олган ягона рақамли тизим жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Амалиёт билан уйғунлигини кучайтириш мақсадида дуал таълим йўлга қўйилмоқда. Ҳозирда 15 минг тала-

ба 957 та корхонага бириктирилган. Лекин корхоналарда бунга қизиқиш кам. Шу боис дуал таълимда иштирок этаётган корхоналарни рағбатлантириш бўйича таклифлар билдирилди.

2024 йил 20 июнда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудудда техника олийгоҳи ва илғор муҳандислик мактаблари ташкил қилиш вазифасини қўйган эди. Ҳозиргача Термиз, Андижон ва Қаршида техника университетлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, 8 та муҳандислик мактаби очилди.

Йиғилишда Нукус, Бухоро, Фарғона ва Наманган техника университетларини ташкил этиш лойиҳалари тақдимот қилинди. Унга кўра янги йўналишлар очилиб, хорижий дастурлар татбиқ қилинади, талабаларнинг илмий-инновацион жараёнларда иштироки кенгайтирилади, олийгоҳларга саноат ҳамкорлари бириктирилади.

Умуман, бу йўналишдаги 35 та муассасани йириклаштириш ҳисобига 22 та техника университети ташкил қилинади. Шу йил охиригача яна 17 та муҳандислик мактаби очилади.

Сўнгги йилларда олий ўқув юртлирида илмий салоҳият 41 фоиздан 45 фоизга ошган. Лекин аксарият илмий тадқиқотлар саноат ва ишлаб чиқаришдаги замонавий тенденцияларни қамраб олмапти.

Шу боис докторантура квотасини тақсимлашда иқтисодиётнинг драйвер соҳаларига аҳамият қаратиш, илмий даража ва унвонлар олиш тартибини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Педагоглар касбий маҳоратини оширишни янги босқичга олиб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Ёшлар тарбиясида ахлоқ ва спорт ҳам муҳим. Бу борада "Беш ташаббус", "Маърифат улашб", "Талабалар спорт лигаси", "Заковат" каби ҳаракатлар йўлга қўйилган. Бундай маънавий-маърифий, спорт ва интеллектуал лойиҳалар билан талабаларни тўлиқ қамраб олиш, ёшларда ватанпарварлик руҳини кучайтириш тадбирлари юзасидан ахборот берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Э.О.ТУРДИМОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига мувофиқ **Эркинжон Окбутаевич Турдимов** Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 21 январь

Сенат назорати

САЙЁР МАЖЛИС

Тумандаги аҳвол таҳлил этилди

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги сайёр мажлиси пойтахтимизнинг Яккасарой туманида бўлиб ўтди. Унда ушбу туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилашга доир дастурлар ижроси муҳокама қилинди.

Мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норматова олиб борди.

Илгари Сенат ишчи гуруҳи томонидан Яккасарой туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилашга доир дастурлар ижроси ҳолати ўрганилиб, бу борада 2024 йилда қатор ишлар бажарилгани аниқланган эди.

Қайд этиш жоизки, туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткич-

лар ортиғи билан бажарилган. 2024 йил якуни бўйича хизматлар ҳажми 23,4 трлн. сўмни (118 фоиз), саноат ҳажми 7,8 трлн. сўмни (109 фоиз), чакана савдо айланмаси 8,4 трлн. сўмни (117 фоиз), қурилиш ишлари эса 5,1 трлн. сўмни (128 фоиз) ташкил этган. 2024 йилнинг маҳаллий бюджет тушуми 151,6 млрд. сўмга тенг бўлиб, бу борада режа 151 фоизга бажарилди.

Туманда 2024 йилда 332,5 млн. долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар экспорти амалга оширилган. Саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича умумий қиймати қарийб 764,8 млрд. сўмлик 13 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 500 дан зиёд янги иш ўринлари яратилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси 2025 йил 23 январь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз иштини бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри еритиб борилади.

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ

БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Ўзбекистоннинг Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 79-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди.

Эътироф

Ҳужжат БМТнинг барча олти расмий (инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз) тилларида нашр этилиб, ташкилотга аъзо давлатлар, унинг таркибий бўлинмалари ўртасида тарқатилди, шунингдек, кун тартибининг "Барқарор ривожланиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фой-

даланиш" 15-банди доирасида расмий ҳужжатлар тизимига жойлаштирилди.

Таъкидлаш керакки, стратегия Ўзбекистонда XXI асрнинг энг истиқболли технологияларидан бири — сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича улкан мақсад, вазифалар ва йўналишларни белгилаб беради. Унинг асосий мақсади 2030 йилга бориб Ўзбекистонни сунъий интеллектни ривожлантириш

бўйича дунёнинг етакчи 50 давлати қаторига киритишдир.

БМТ ҳужжатида кўра сунъий интеллектни жорий этишнинг устувор йўналишлари ва тармоқлари қишлоқ ҳўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, банк сектори, соғлиқни сақлаш, таълим ва давлат бошқаруви ҳисобланади.

Сунъий интеллект соҳасида кадрлар ва илмий салоҳиятни ривожлантириш стратегия мақсадларига эришишнинг асосий шарти сифатида қаралмоқда. Мутахассислар тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини яратиш режалаштирилган. ➡

ЗАМИНДАН КОИННОТ ҚАДАР ЮКСАЛАЁТГАН ТАФАККУР

ёки фикр қуллигидан қутқазилган авлод ҳақида

"Бой берилган авлод"... Нобель мукофоти соҳиби Эрнест Хемингуэй "Қуёш барибир чиқаверади" романида ушбу машҳур иборани ишлатган. Орадан бир аср ўтибдики, мазкур ҳикматли сўзлар бемаъни ва самарасиз урушлар, ёлгон сиёсий қутқулар гирдобига тортилган авлодларнинг бекор кетган умри ва фаолиятининг тимсолига айланди.

Мушоҳада

Француз файласуфи Рене Декарт **"Мен фикрлаётган — демек, яшамокдаман"** дегани беэиз эмас. Инсон жамият тараққиётига фақат фикрлаш, янгилик яратиш орқали эришади. Фикрлаш туғаш билан тараққиёт ҳам тўхтайдми.

Яқин тарихимизда бир неча авлодларни бой берганимизни, орзу-истакларини поймол этганимизни тан олишимиз керак. Бунинг натижасида жамиятда фикрсиэзлик, манкуртлик синдроми пайдо бўлди. Истеъдодни, билимни қадрсизлантириш авж олди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йили халққа қилган илк Мурожаатида давлат ва халқ ўртасида йўқолган ишончни қайтариш кераклигини алоҳида таъкидлаганди. Бу даъватда бой берилган авлодларнинг орзу-умидлари мужассамлашган.

Ёшларга Президент Шавкат Мирзиёев қайтариб берган фикрлаш туйғуси нималарда намоён бўлади?

Назаримда, Ўзбекистон ёшлари-

га фикрлаш, орзу-истакларини эркин ифодалаш имконияти тақдим этилди. Президент ёшларни эшитди, қалбига қулоқ тутди. Уларни ўйлантараётган муаммоларни бар-тафсил қилди, сунъий тўсиқларни олиб ташлади.

Ёшлар нафақат мажбурий меҳнатдан, балки фикр қуллигидан қутулди. Улар турли масалаларни дадил кўтаришга, талаб қилишга, хоҳиш-истакларини очик айтишга ўрганди. Зеро, давлат ва жамият навқирон авлоднинг қучқудратига, фикр ва қарашларига таянсагина тараққиёт юз беради.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга оид ислохотлар ижросини доимий назорат қилиб бормоқда. Йигит-қизларимизнинг жаҳон бўйлаб эркин ҳаракатланиши учун барча имконият яратилди. Бир пайтлар, ҳатто қўшни давлатларга ҳам ўқиш, изланиш учун боришдан ҳайиққан Ўзбекистон фарзандлари бугун бутун дунё бўйлаб илм олмақда, саёҳат қилмоқда. Турли нуфузли компанияларда фаолият кўрсатмоқда.

Тарихда биринчи марта

Президент Шавкат Мирзиёев чет эл сафарларида ватандошларимиз бўлган ёшлар билан учрашиб, очик мулоқот қилмоқда.

Тўғриси, мустақиллигимизнинг дастлабки 25 йилида бундай ёшларга турли айблар қўярди. Натижада хорижда ўқиб, ишлаётган ёшларимиз учун Ватан дарвозалари ёпилганди. Ота-оналари, яқин қариндошлари тазийқ остига олинарди.

Бу билан биз ютқаздик. Хемингуэй ибораси билан айтганда, бир неча авлодларни бой бердик.

Бугунги ёшларга ҳавасимиз келади. Ўқиш ва изланиш учун барча имконият бор. Самарқанд давлат университетига жуда кўплаб хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлири ректорлари ташриф буюради. Измоланган меморандумларда талабалар ва ёш олимлар алмашинувида алоҳида эътибор қаратилади. Улардан фақат ўз мутахассислиги ва чет тилни билиш талаб этилади. Қолган барча харажатни ҳамкорларимиз ўз зиммасига олади.

Қани энди ёш бўлсам-да, Европада, АҚШ, Япония, Хитойда ўқисам!.. Дунё тараққиётини, тажрибасини ўргансам. Ўзбекистонга келиб билганларимни ҳаётга татбиқ қилсам.

Ёшларимизга, ота-оналарга, ўқитувчиларига мурожаат этгим келади. ➡

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАДАНИЙ МУЛОҚОТЛАР — ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва Ҳуқуқолик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг "Миллий маданий марказлар ва хориждаги ватандошлар билан олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, маданий тадбирлар, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва бағ-ва ўқув курслари ташкил рикенглигини таъминлаш, эътият. Бу тадбирлар

дўстлик муҳити ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маданият ва санъат, таълим ва илмий тадқиқот соҳасидаги ташкилотлари, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда

маданий тадбирлар, кўргазмалар, концертлар ва ўқув курслари ташкил этилди. Бу тадбирлар

"Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси мамлакатимиздаги 157 та миллий маданий марказ, хориждаги 98 та ватандошлар жамияти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда".

халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, маданий мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. ➡

САЙЁР МАЖЛИС

Тумандаги аҳвол таҳлил этилди

Маҳаллаларда 127,8 млрд. сўмлик 1 056 та микролойиҳа тўлиқ ишга туширилиб, улар доирасида 2 938 та янги иш ўрни ташкил этилган. 200 нафардан ортиқ ёшларнинг ишсизлиги аниқланиб, 101 нафари расмий ва доимий иш ўринларига жойлаштирилган.

Бундан ташқари, тумандан оқиб ўтувчи “Бўрижар” канали қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ҳудудни ободонлаштириш учун 75,0 млрд. сўм бюджет маблағлари ажратилган ҳамда ҳозирги вақтда тегишли ишлар бошлаб юборилган.

“Аёллар дафтари” модулига қиритилган 1 322 аёلнинг 296 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган. Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолиятининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида уларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан замон талабларига жавоб берадиган сўнгги русумдаги 21 та компьютер харид қилиб топширилган.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНАЁТГАН ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг мажлисида муҳим қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

“Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қатар Давлати Ҳукумати ўртасида икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги Битимни” (Тошкент, 2024 йил 15 апрель) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун асосида ратификация қилинаётган Битим 2024 йил 15 апрелда “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқоти Ташқи ишлар вазирликлари раҳбарларининг иккинчи йиғилиши доирасида Ўзбекистон ва Қатар ташқи ишлар вазирлари томонидан имзоланган.

Битим икки давлат ўртасида узоқ мuddатли, конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга қаратилган.

Унда таълим ва илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва маданий мерос, туризм, спорт каби муҳим соҳаларда ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, шунингдек, иқтисодиёт, бошқарув, дипломатия ва туризм соҳаларида кадрлар

тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш юзасидан тажриба алмашиш бўйича биригаликдага сайё-хара-катларни мувофиқлаштириш назарда тутилмоқда.

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Малайзия Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома” (Тошкент, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ҳам қўриб чиқилди.

Шартномада жиноий иш бўйича тергов ҳамда бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш асослари ва шартлари кўрсатиб ўтилмоқда. Шу билан бирга, сўров шакли ва мазмуни, унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ ёрдамжатлар таксимоти, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этиш асослари, шартнома доирасида олинган маълумот ва далиллардан фойдаланишда чекловлар белгиланмоқда.

Мажлис қилинда қўрилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИ — ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ

Маълумотларга кўра шу йил 20 январь ҳолатига Ўзбекистон аҳолиси 37 млн. 576 мингдан ортиқни ташкил қилмоқда. Йиллик ўртача ўсиш 2 фоизни қайд этган. 2030 йилга бориб мазкур кўрсаткич 43 млн.га етиши прогнози қилинмоқда. Бу эса аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби 1,2 бараварга ошади, дегани.

Мулоҳаза

Шу боис ички ва ташқи бозорда ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари-га талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши ва бу эҳтиёжни қондириш ҳамда республиканинг экспорт саноҳиятини ошириш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қишлоқ ҳўжали-гида фаолият кўрсатиб келаётган фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва то-морқа ер эгаларининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин май-донларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан тақомиллаштириш бу йўналишда устувор мақсад си-фатида белгиланган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси-да ҳам бу борада бир қатор мақсад ва чора-тадбирлар қиритилган. Ана шулардан бири 54-мақсадда кўзда тутилган қишлоқ ҳўжалигида ҳосил-дорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш вазифасидир.

ЗАМИНДАН КОИНОТ ҚАДАР ЮКСАЛАЁТГАН ТАФАККУР

ёки фикр қуллигидан қутқазилган авлод ҳақида

Яхши яшашни хоҳлайди-ган халқ болаларини яхши ўқитиши керак. Кексалиқда ҳурмат ва эътибор, ғамхўрлик истай-диган ота-она фарзандларига яхши тарбия бериши лозим. Тараққиётни, ривожланишни, юксалишни мақсад қилган миллат бор қуч-қудрати, жон-жаҳди билан илм эгаллаши, қўлида-ги барча сармоясини ўқишга, ўқитишга сарф қилиши зарур.

Камбағалликни ҳам бартараф этувчи бош омил — илм-маърифат. Яхши ўқиган бола бутун оилани камбағаллик ботқо-ғидан олиб чиқади, бойиб кетиш имко-ниятини яратади. Барча муаммоларнинг ечими билимдир!

Президентимизнинг ёшлар таълим-тарбияси борасида кўрсатган ғамхўрли-ги, яратган имкониятлари, сиёсий иро-даси Самарқанд давлат университети ёш олимлари, талабалари эришаётган юксак натижа ва интилишларда ҳам бор бўйича намён бўлаётди.

Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган СамДУ Мухандислик физикаси институти талабаси Озода Иноятулло 17 ёшида БМТ Халқаро UNICEF жа-ғармаси томонидан ташкил этилган “UNICAT” лойиҳасида қатнашиб нанойўдошлардан утасини стратос-ферага учуришга муваффақ бўлди. У “DAAD” грант дастури асосида Герма-ниянинг Билефельд университетига ва Россиянинг Дубна шаҳридаги Бирлаш-ган ядровий тадқиқотлар институтида ўтказилган “START” талабалар дастури-да ҳам иштирок этди.

Озода Иноятуллонинг эришган муваффақияти ўзбек ёшларининг билим ва тафаккури заминдан то коинот қадар юксалаётганини кўрсатади.

Самарқанд давлат университети тадқи-қотчилари Отабек Умаров Венгриянинг Дебресен университетида, Шаҳбоз Ҳаса-нов Хитой Фанлар академиясининг За-монавий физика институтида, Дилшод Ҳакимов Беларус Миллий фанлар ака-демияси Бирлашган энергия ва ядро тадқиқоти институтида PhD диссер-тациясини ҳимоя қилди.

Ўзбек фани эришаётган юксак нати-жалар жaxon бўйлаб эътироф қилинаёт-гани ҳар биримизга фахр-ифтихор ба-ғишлайди.

СамДУ Биокими институти ёш ўқит-увчи ва тадқиқотчилари Темуր Қўшатов, Сардор Шакаров, Шухрат Ғайбуллаев саратон касаллигига қарши дори воси-таларини яратиб мавзуйдаги амалий лойиҳада, Мухандислик физикаси инсти-тути докторанти Алишер Нуримов, тад-қиқотчилар — Анатолий Иванов, Илзар Ҳайров, магистрант Самариддин Абду-қаюмов, талабалар — Лола Ризакулова, Озода Иноятулло квант нуқталарининг



оптик ҳусусиятларини синтез қилиш ва тадқиқ этиш мавзуйидаги амалий лойи-ҳаларда қатнашмоқда.

Асосий мақсодимиз — илм-фанда ав-лодлар давомийлигини таъминлаш, илмий мактаблар аъёналарини сақлаб қолиш, халқаро грант ва лойиҳаларда ёшлар иш-тироки мунтазамлигига эришиш.

2024 йили Самарқанд давлат универ-ситети докторанти Ҳожимурод Норму-родов 28, Бахтиёр Аҳмедов ва Нодир-жон Хушвақтов 29 ёшида, Дилзодаҳон Мирзаева, Умида Убайдуллаева ҳам му-датидан олдин PhD диссертацияларини ҳимоя қилди. Яъни ёшларнинг интилиш ва изланишларига кенг йўл очиб берил-ди. Келгусида университетимиздан 25 ёшгача PhD лар, 30 ёшгача бўлган DSc лар етишиб чиқишига ишонамиз.

Бу Президент Шавкат Мирзиёев ислохотлари медаларидир.

СамДУ Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти битирувчи-лари — Дивёр Мусурмонов, Сардор Ахатов, Фахриддин Атавуллаев дунё рейтингида “ТОП — 100”талиқдан ўрин ол-ган Италиянинг Болонья университети, Акмал Маматқулов ҳамда Садоқат Тўхтае-ва Венгриянинг Қишлоқ ҳўжалиги ва ҳаёт фанлари институти магистратурасида ўқиш-ни давом эттирмоқда. Бу каби иб-рат қилиб кўрсатишга муносиб талаба-ларимизни яна кўплаб келтириш мумкин.

Президентимиз олимлар, таълим со-ҳаси вакиллари билан учрашувларда до-имо бизнинг олдимизга жaxon илм-фа-нига интеграциялашиш вазифасини қўйиб келмоқда. Бу ўринда фақат баъзи мисолларни келтирдик. Аслида олий таъ-лимнинг магистратура ва докторантура босқичларини Европа, АҚШ, Хитой, Рос-сия, Жанубий Корея ҳамда Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртлири ва илм-фан марказларида давом эттираётган яна кўплаб ёшларимиз борлигини ало-ҳида айтиш жоиз.

Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари 2024 йилда “Scopus” ва “Web of Science” маълумот-лар базаларидаги нуфузли илмий жур-налларда 545 та мақола эълон қилди. Биз “Хириш индекси” юқори бўлган олим-ларимиз олдига ёш тадқиқотчилар би-

лан ҳамкорлик қилиш, ҳаммуаллифлик-да мақолалар тайёрлаш ва чоп этиш, уларда илмий изланишлар олиб бориш-га ҳавас уйғотиш вазифасини қўйган-миз. Бунинг натижасида ёш олимлар Райхонбек Эшбеков, Ноила Жумақуло-ва, Дилшод Мўминов, Гулжаҳон Эшбе-кова, Акбар Рашидов, Жалолиддин Фай-зуллаев ҳам устозлари билан ҳамкор-ликда қатор мақолалар нашр қилдирди.

2024 йили университет докторанти Ҳабиба Абдиева Ўзбекистон Республи-каси Президентини давлат стипендиясига сазовор бўлди. Ёш олим мuddатидан ол-дин PhD диссертациясини ҳимоя қилди. Самарқанд давлат университети ил-гари сураётган илмий концепцияда илм-фан йўналишида хотин-қизлар фаолли-гини янада ошириш, алоҳида ғамхўрлик қилиш ва шарт-шароитлар яратиб бе-риш кўзда тутилган. Кейинги уч йилда хотин-қизлар ўртасида илмий даража ва унвонлар олиш фоизи кескин кўтарил-ганини кўрамиз.

Эътибор беринг: олийгоҳ талабаси Навбахор Ҳамидова 23 ёшида Париж-даги Ёзги Олимпия ўйинларида ишти-рок этди. Бокс бўйича Таиландда ўтка-зилган Осиё чемпионатига олтин ме-дални қўлга киритди. Магистрант, “Шух-рат” медали соҳибаси Улжон Амриева 25 ёшида Ёзги Паралимпия ўйинларида қатнашди. Германияда ўтказилган пара-дзюдо бўйича халқаро Гран-при турни-рида олтин медалга сазовор бўлди. Талабамиз Урганчда Ёғамназаров 24 ёшида Париж мезбонлик қилган Ёзги Паралимпия ўйинларида иштирок этди...

Отуқларни эътироф қилиш, натижа-ларни таҳлил этиш фойдадан холи эмас.

Бу отуқларнинг муаллифи Президентимиз Шавкат Мирзиёевдир.

Таълим-тарбия, илм-фан борасида катта ҳаёт тажрибасига эгаман. Агар Президент бош ислототчи бўлмаса, Ватаним, халқини севмаса, бугунгидек тараққиётга мутлақо эришиб бўлмайди.

Бу ўринда биргина университетга дахлдор рақам ва маълумотларни келтир-ди. Бутун мамлакат миқёсида олиб қарал-са, ёшларимиз эришаётган отуқларнинг чек-чегараси йўқлигига гувоҳ бўламиз.

АҚШнинг иккинчи Президенти Жон Адамсоннинг асрлар оша яшаётган маш-хур фикри бор: “Халқимнинг эркинли-ги ва келажаги мен учун энг олий қад-риятдир”. Улуғ сиёсатчи бу ўринда ке-лажак деганда ёшларни назарда тутган, албатта...

Рустам ХОЛМУРОДОВ, Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



МАДАНИЙ МУЛОҚОТЛАР — ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСИ

Эшитувда мам-лакат ҳудудида яшовчи турли миллат ва элатларнинг маданияти, тили, урф-одати, аъёнала-рини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республи-каси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Дўстлик уйлари” ташкил этилган, миллий маданий марказлар фаоли-яти моддий қўллаб-қувват-лангани айлиди.

Бундан ташқари, Ўзбекис-тондаги миллий маданий марказлар хориждаги ватан-дошларнинг миллий ижоди-ни ривожлантириш, ёшлар

орасида илмий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган турли дастурлар ва семинарлар ўтказмоқда. Савол-жавобларга бой бўлган эшитувда депутатлар хориждаги ватандошлар билан боғлиқ ишлар самара-дорлигини ошириш, миллий маданий марказлар билан ҳамкорлик қилиш, жaxon маданий марказлари фаоли-яти моддий қўллаб-қувват-лангани айлиди.

Бундан ташқари, Ўзбекис-тондаги миллий маданий марказлар хориждаги ватан-дошларнинг миллий ижоди-ни ривожлантириш, ёшлар

ЛОЙИҲА МАРОМИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Бу бўйича сиёсий пар-тиялар фракциялари, ишчи гуруҳ аъзолари, экспертлар ва ҳўқуқшунослар иштироки-да ўтказилган йиғилишда уни биринчи ўқишда муҳо-кама этиш давомида депу-татлар томонидан берилган барча таклифлар таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси палата-нини ялпи мажлисида биринчи ўқишда кон-цептуал жиҳатдан қабул қилинганидан сўнг ўтган даврда масъул қўмита томонидан уни тақомилига етказиш бўйича бир неча маро-таба ишчи гуруҳ йиғилишла-ри, семинарлар ўтказилди.

Ушбу йиғилишларда де-путатлар томонидан берил-ган таклифлар ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида кўриб чиқи-либ, энг долзарб ва му-ҳим деб топилганлари лойиҳа матнида акс этти-рилди.

Қонун лойиҳасида Марка-зий банкнинг банкларни са-нация қилишга доир ҳўқуқий асослари назарда тутилмоқ-да. Шунингдек, унинг банк-ни ихтиёрий тугатишни амалга оширишга доир рух-сатномасини бериш шартла-

ри, ихтиёрий тугатиш жараё-нида тугатувчи томонидан бажариладиган ҳаракатлар, Марказий банкка тақдим этиб бориладиган ҳисобот-лар ҳамда тугатиш жараёни устидан у томонидан олиб бориладиган назорат қоида-лари белгиланяпти.

“Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғри-сида”ги қонун лойиҳаси-да Марказий банкнинг ушбу йўналишга доир ҳўқуқий асослари назар-да тутилмоқда”.

СИФАТЛИ МУОЛАЖА ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳўқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Депутатлар, ишчи гуруҳ аъзолари, ҳўқуқшунослар ва экспертлар иштирок этган йиғилишда қонун лойиҳаси-ни биринчи ўқишда муҳока-ма қилиш жараёнида берил-ган таклифлар чуқур таҳлил қилинди.

Ушбу қонун лойиҳа-си билан аҳолига тиб-бий ёрдамнинг кафо-латланган ҳажмларига қиритилмаган қўшимча тиббий ёрдам кўр-сатишни ҳўқуқий тар-тибга солиш, тиббиёт ва фармациянинг ходимлари-нинг давлат рўйхатидан ўтка-зиш орқали уларга кас-бий фаолиятни амалга ошириш ҳўқуқини бериш тизимини жорий этиш-га қаратилган нормалар белгиланмоқда.

Муҳокама давомида депу-татлар лойиҳада назарда ту-тилаётган айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазала-ри, тақлиф ва тавсияларини билдирди. Ушбу таклифлар асосида қонун лойиҳаси яна-да тақомиллаштирилиб, ма-ромига етказиладиган бўлди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳўқуқларини самарали ҳимоя этиш, тиббиёт ва фармациянинг ходимлари-нинг давлат рўйхатидан ўтка-зиш орқали уларга кас-бий фаолиятни амалга ошириш ҳўқуқини бериш тизимини жорий этиш кўзда тутилмоқда”.

қучайтириш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хиз-матлар сифатини янада оширишга хизмат қилади. Айна пайтда масъул қўми-тада қонун лойиҳасини та-қомиллаштириш ишлари да-вом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИШ САОДАТИ

Дунё бўйлаб саратон касаллигига чалиниш эҳтимоли кўпаймоқда. 2020 йилда 19,3 миллион одам саратондан азият чеккан бўлса, уларнинг 10 миллиони шу хасталик натижасида ҳаётдан кўз юмган. Афсуски, юртимизда ҳам бу касаллик кўрсаткичлари йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Оғир дардга чалиниб, ҳаётдан умидини узган беморларга шифо улашиб келаётган тиббиёт фанлари доктори, профессор Мэлс Қабулов ажал билан юзма-юз келган кўплаб инсонларни ўлим чангалидан сақлаб қолган шифокор, том маънода қаҳрамон, десак, арзийди. Саксон ёшни қаршилаган олим ўн мингдан ортқ ўта мураккаб операцияларни амалга ошириб, билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқда. Унинг қизилўнғач саратонининг олдини олиш бўйича тажрибаларини Марказий Осиё онкологлари тиббиётнинг илмий янгилиги сифатида эътироф этмоқда.

Тиббиёт фидойиси

Олис овулдан чиққан жарроҳ

Мэлс Қабулов Қўнғирот элида ўчоғининг тутуни олисдан кўричиб турадиган хонадонларнинг бирида дунёга келди. 1966 йилда Самарқанд шаҳридаги тиббиёт институтини тамомлади. Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси сил касалликларига қарши курашиш диспансерида шифокорлик қилди. Бу ерда ишлаш жараёнида мазкур касалликдан азият чекаётган юртдошлари дардида даво топиш истаги унга тинчлик бермади. Қолаверса, ўша пайтлар Орол денгизи сувининг ўз соҳилини ташлаб кетиши атмосферанинг бузилишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, оқибатда саратон касаллигининг авж олишига олиб келиши ҳақидаги хабарлар Мэлс Қабуловни ушбу касалликнинг давосини излашга, унинг ҳали очилмаган жиҳатларини ўрганишдек масъулиятли ишни зиммасига олишга сабаб бўлди.

Натижада у Санкт-Петербург Онкология илмий-тадқиқот институтининг клиник ординатура ва клиник аспирантурасида профессор, Тиббиёт фанлари академиясининг академиги, ўпка патологиясининг билимдонни А. И. Раковнинг раҳбарлиги остида "Чап ўпканинг юқори қисмида учрайдиган рақнинг белгилари ва операция билан даволаш йўллари" мавзусида изланиш олиб борди.

— 1972 йилнинг 24 августида Хукуматнинг тегишли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Онкология ва радиология илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон филиали иш бошлади, — дейди профессор Мэлс



Қабулов. — Орадан саккиз ой ўтиб ушбу филиалга ишга келдим. Ўша йилларда бутун диққат-этиборимни бир масалага, яъни қизилўнғач саратонининг олдини олиш йўллари талқин қилишга қаратдим. "Касалликнинг олдини олса бўлади" дея ишонч билан айта олиш учун ишни республика аҳолисининг турмуш шaroити, яшаш ҳудуди, ҳаёт тарзи, урф-одати, овқатланиши каби жиҳатларни атрофлича ўрганиб, илмий тадқиқотлар олиб бордик. Давлат дастурига мувофиқ тадқиқот учун Мўйноқ ва Тахтақўпир туманлари танлаб олинди. Тўплаган материаллар, маълумотлар таққослаб қўрилиб, республика аҳолисининг 78 фоизи қонида "С" витамини етишмаслиги аниқланди.

Ўша йиллари Москвада академик Н. Н. Блохин номидagi Онкология марказидан онкоэпидемиолог олим, профессор Д. Г. Заридзе, эндоскопист, профессор Ю. П. Кувшинов ва бошқа илмий ходимлардан ташкил топган экспедиция гуруҳи ташриф буюрди. Улар ўзлари билан олиб келган "А" витаминини синаб кўра бошлади, бе-

морларнинг ўнғачини текширувдан ўтказди.

Чунки саратон-қилтомоқ ўнғачда пайдо бўлади. Қизилўнғачнинг ички қавати икки ойда алмашиб туради. Бу кимёвий жараёни юзга келтиришда "А" витамини катта аҳамиятга эга. Демак, бу фикрда ҳам жон бор.

Обдан таҳлил қилиниб, ўнғач раки олдиндан пайдо бўладиган лейкоплакия, эзофагит билан касалланганлар қонида "А" витамини касалга чалинмаган инсонларга нисбатан олти хисса оз бўлиб чиқди. Демак, ечим қалити шу ерда экан. Натижада ўн йил мобайнида Мўйноқ туманида икки минг одамнинг ўнғачи текширувдан ўтказилди. Текширув якунида Мўйноқда яшовчи аҳолида ўнғач саратони собиқ иттифоққа таққослаганда ўн беш хисса, Қорақалпоғистонга нисбатан уч марта, Ўзбекистонда тарқалишига нисбатан олти хисса кўп эканлиги аниқланди.

— Таҳлиллар якунига кўра икки витамин кўшиб берилса, анча юқори натижа бериши, инсонлар тегишли витаминларга бой озукларни истеъмол қилса, касаллик чекиниши аниқ бўлди, — дейди профессор М. Қабулов. — Шу боис касаллик устида илмий тадқиқот олиб бораётган тиббиёт ходимлари билан тарғибот-тушунтириш ишлари қилинмоқда.

Илк тадқиқотдан муваффақият сари

Гапнинг очиги, ўша йиллари айрим дўстлари Мэлс Қабуловга "доктор витамин — С", дея тахаллус ҳам қўйганди. Нимагаки, оммавий тарғиб қилиш зарурати бўлгани боис у тез-тез телевидениеда чиқишлар қилиб, халқимизга қилтомоқни келтириб чиқаришга нима-лар сабаб бўлишини тушунтириб боради. Шунингдек, газета, журналларда, радиоэшитиришларда инсон организмни "С" витамини маъжуд бўлган озуклар билан таъминлаш бўйича тарғибот материаллари бериларди.

Албатта, фақат тарғибот билан натижага эришиш қийин. Тарқибда "С" витамини кўпроқ мева етиштиришни ривожлантириш зарур эди. Тиббиёт жонкуярининг тақлифлари инобатга олиниб, Қорақалпоғистоннинг ҳар бир туманида биттадан боғдорчиликка ихтисослаштирилган ҳўжалиқлар ташкил этилди. Натижада халқимиз таомномасида мева истеъмол қилиш анъанага айланди. Ва бу концепция охир-оқибат ўзини оқлади.

Этиборлиси, икки витаминни

қўшиб бериш туфайли ўн йилда Мўйноқ туманида қизилўнғач саратон-қилтомоқ билан касалланганлар сони бир ярим хиссага камайди. Синаб кўриш мақсадида тадқиқот объекти қилиб олинган Тахтақўпир тумани аҳолисига "С" ва "А" витамини берилмади. Натижада Тахтақўпирда рақ касаллиги олдингига нисбатан анча кўпайди.

Янги усул ўша пайтларда қилтомоқ касаллиги кўп учрайдиган Қозоғистон, Туркменистон, Бурятия ва Якутия онкологлари орасида катта қизиқиш уйғотди. Бурятия автоном республикаси онкология диспансерининг бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди К. П. Дулганов икки марта Қорақалпоғистонга келиб, шахсан ўзи тажриба ўрганиб кетгани ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

— Жонкуяр шифокор "Қорақалпоғистонда қизилўнғач рақнинг олдини олиш йўллари" мавзусидаги докторлик диссертациясини Санкт-Петербург шаҳрида академик Р. И. Вагнер раҳбарлигида муваффақият билан ҳимоя қилди, — дейди қозоғистонлик профессор Оразбай Абдураззак ўғли. — Онкология соҳасининг таниқли олимлари ушбу илмий иш Мустақим Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида қизилўнғач раки бўйича ҳимоя қилинган биринчи муваффақиятли иш эканини алоҳида таъкидлашди.

Аниқ ҳудуд, аниқ муддат ва шахсга қаратилган хизмат

— 2024 йилнинг 22 ноябрида "Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори имзолангани айни мuddао бўлди, — дея суҳбатни давом эттиради жонкуяр шифокор. — Унга мувофиқ 2025 — 2030 йилларда Бачадон бўйни ва қўрак бези саратонини назорат қилиш дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар

Қорақалпоғистон тиббиёт оламининг фаҳрига айланиб улгурган таниқли олимнинг юбилеи муносабати билан яқинда "Мэлс Қабулович Қабулов 80 ёшда" номли китоб нашр этилди. Китобда унинг инсонпарварлиги, камтарлиги, қобилияти туфайли "қўли енгил" машҳур жарроҳ макомига эришгани маҳорат билан ёритилган. Мақоламиз қаҳрамони ҳозирги кунда ҳам саратон касаллигини эрта аниқлаш ҳамда дард чекаётганларга дармон бўлиш борасида Оролбўйи аҳолисининг ҳақиқий саломатлик посбонидир.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ифтихор

ИСМИНГГА МОС ЖАСОРАТИНГ

(«Манчестер Сити» футбол клуби аъзоси, Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчиси Абдуқодир Хусановга)

Бу элнинг куч-қудратига, Берилган соф баҳодир. Боқиб қадди-бўйларингга, Дейман: фахр Абдуқодир.

Исмингга мос жасоратинг, Қодир зотдан чин атодир. Омад, деган ўз-ўзидан Келмас ахир, Абдуқодир.

Дунё футбол майдонидир, Не ўйинлар бўлмас содир. Мардларни кўп жангоҳи ичра Турмоқ оғир, Абдуқодир.

Олам бедор, йўқ ороми, Қайга бокса ўзбек номи, Оврўпа ҳам шак-шубҳасиз, Очди бағир, Абдуқодир.

Бобонг Темур, Мангуберди, Жасоратда тенгсиз эрди. Томирингда оқар қони, Асли ёвқур, Абдуқодир.

Кимга тушса Ватан кори, У аталар юрт шунқори, Халқнинг полвон ифтихори, Дейман: фахр, Абдуқодир.

Яҳёхон ФАЁЗ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Орамиздаги одамлар



Шўрчи туманидаги Жойилма маҳалласида истиқомат қилувчи Отабек Махмудов ноёб паррандаларни парваришлаб келмоқда. Бугун унинг ҳўжалигида қирғовул, тову, "Брама" зотли товуқлар парваришланади. Этиборлиси, улар фақат ишқибозлик учун қўпайтирилмайди, яхшигина даромад манбаига ҳам айлантирилган.

— Асл касбим устачилик, уйлар кураимиз, биноларни таъмирлаймиз, — дейди Отабек Махмудов. — Қишлоқ жойда бўш вақтларда томорқада экин-тикин экиш одатий ҳол. Шуларга қўшимча сифатида камёб паррандаларни боқаман. Бундай жониворларни парваришлаш орқали нафақат эстетик, балки яхшигина иқтисодий фойда ҳам олиш мумкин. Масалан, товуслар биринчи навбатда ўз гўзаллиги билан одамни мафтун этади. Ишқибозлари ҳам кўп. Унинг пархезбоп гўшти эса таъми ва соғлиқ учун фойдалилиги билан ажралиб туради. Товуслар узоқ умр кўрувчи қушлар ҳисобланади, 50 йил яшаши мумкин. Озуқа истеъмолида инжиқ эмас. Рационини маккажўхори, сули, буғдой, гуруч, ҳашаротлар личинкалари, ўтлар, мевалар ва сабзавотлар ташкил қилади. Макиён товуслар йилгига икки марта поладон оғсада, йил давомида туҳум қўйишдан тўхтамайди. Туҳумларининг ўртача инкубация даври — 27 — 30 кун. Инкубация учун фақат янги, қўйилганга ўн кундан ошмаган туҳумлардан фойдаланилади. Товуслар туҳумларини товуқ ёки ўрдакка ҳам бостириб чиқариш учун қўйиш мумкин. Биз турмушнинг бир донга туҳумнинг 80 — 90 минг сўмдан, жўжасини эса 200 — 250 минг сўмдан сотаямиз.

Қирғовул, яъни тустовуқ ҳақида гап кетганда, ҳаёлимизда ов билан боғлиқ ҳодисалар гавдаланади. Бироқ уни уй шароитида ҳам қўпайтириш мумкин экан. Гўшти пархезбоплиги туфайли қўпчиликка манзур бўлади. Тадбиркорнинг айтишича, бу паррандани уй шароитида парваришлаш учун энг мақбул зоти ов қирғовули экан. — Шу турдаги паррандаларни парваришловнинг асосий шarti — майдон ва махсус катаклар талаб этилиши, — дейди у. — Ҳар бир қирғовул учун камида 2 метр квадрат майдон ажратилади. Қирғовуллар гуруҳ қилиб сақланганда майдон ҳажми 5 метр квадратни ташкил этиши керак. Махсус жиҳозланган катакларни иссиқ қилиб қуриш шарт эмас, чунки улар совуқ ҳавога мослашган. Қўпайиш мавсуми — март ойидан июлгача. Ўрта ҳисобда бир макиён шу даврда 50 тага, ҳатто 100 тагача туҳум беради. Макиён қирғовуллар сабросиз бўлгани сабабли 50 та туҳумдан атиги 10 — 15 та жўжа очилиш мумкин. Шу боис уларнинг туҳумларини ўрдак, қурқа ёки товуқларга бостириган маъқул. Турли ноёб паррандалар парваришловнинг даромад манбаига айлантирилган Отабек Махмудов ноёб мўйнали қушларни қўпайтириши ҳам мақсад қилган. Бу борада дастлабки қадамларни ташлади. Турмуш ўртоғи эса бунда доимо қўл-қанот. Зеро, иш билган одам ўз ҳаётини гўзаллаштиради.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

ООК Атлетлар комиссияси аъзолигига номзод

“Харбин — 2025” қишки Осиё ўйинлари олдидан Осиё олимпия кенгаши (ООК) Атлетлар комиссияси таркиби учун қишки спорт вакиллари орасидан номзодларни эълон қилди.



Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан хабар беришди.

Биз учун аҳамиятлиси, мазкур комиссия аъзолигига тоғчангиси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Комилжон Тўхтаев номзоди ҳам қўйилган.

Ҳамюртимизга бу борада Наруми Такаҳаси (фигуралли учши, Япония), Айза Мамбекова (фигуралли учши, Қозоғистон), Хожун Ким (сноуборд, Корея Республикаси), Санг Йизе (шорт-трек, Хитой), Вен-Йи Ли (тоғчангиси, Хитой Тайпейи) рақиблик қилишади.

Айтиш жоизки, овоз бериш жараёни Харбин шаҳрида ўйинлар давомида ташкил этилади ва биргина номзод комиссия аъзолигига танлаб олинади. Жараёнда фақат спортчилар қатнашиши мумкин.

Шпагачиларимиз Доҳа Гран-присида қатнашади

Қиличбозликнинг шпага йўналиши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларини жорий ҳафта якунида яна бир нуфузли халқаро мусобақа кутиб турибди.

Ҳамюртларимиз 24 — 26 январь кунлари Қатарда ўтадиган Гран-при турнирида иштирок этади. Ўзбекистон қиличбозлик федерациясидан маълум қилишларича, Доҳада қуйдаги 8 нафар вақилимиз медаллар учун кураш олиб боришади: аёллар — Шаҳзода Эгамбердиева, Дилназ Мурзатаева, Санам Назарова, Севара Раҳимова. Эркаклар — Аҳмаджон Файзиев, Жаҳоҳирбек Нурматов, Мухаммадюсиф Сиддиқов, Мейрхон Тимуров.

Маълумот учун, қизларнинг ўтган ҳафта якунида Баҳрайнда уюштирилган ёшлар ўртасидаги жаҳон кубоги босқичида жамоавий дастурда бронза медалига эга чиққан эди.



Теннис: терма жамоамиз таркиби аниқ

Хабарингиз бор, теннис бўйича Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси “Дэвис кубоги” мусобақасининг I жаҳон гуруҳи учун плей-офф ўсқиси доирасида Босния ва Герцеговина термасига қарши ўйин ўтказди.

Ушбу баҳс олдиндан терма жамоамиз таркиби эълон қилинди. Унга кўра тарқибдан мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Хумоюн Султонов, Сергей Фомин, Максим Шин ва Раҳимбек Иброҳимов ўрин эгаллади.

Ўзбекистон — Босния ва Герцеговина



терма жамоалари учрашуви 31 январь — 1 февраль кунлари пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби ёпиқ кортида бўлиб ўтади. Мазкур ўйинда терма жамоамиз ғалаба қозонса, I жаҳон гуруҳига чиқади.

«Халқ сўзи».

МДХга аъзо мамлакатлар кино санъати усталари ўртасида «Ҳамдўстлик» халқаро кинофестивали ташкил этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини қўлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибмат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров. Мусахҳис — Ш. Машраббев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Тошпирилди — 23.55 1 2 3 4 5 6